

2020 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг ЯХМ даги улуши **56,2 %** ни ташкил этди.


2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига, **13,7** бирликни ташкил қилди.

2020 йилнинг январь-декабрида **4440** та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжалиқларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **121,8** фоизга ошди.



Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида 1659 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 976 та, саноат тармоғида 801 та, қурилиш тармоғида 294 та, яшаш ва овқатланишда 184 та, ташиш ва сақлашда 93 та ташкил этилган.

Корхоналар сони кесимида



2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 56,2 фоизи (2019 йил январь-декабрида 54,7 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.



саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 3382,1 млрд.сўмни (23,9 фоиз фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2884 тани ташкил этди);



- 10056,7 млрд.сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиklarининг ишлаб чиқарилган (қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиklари ялпи маҳсулотининг 96,3 фоизи) фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2846 тани ташкил этди;



- 2305,9 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 28,2 фоизи) 2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан 64,4 фоизни ташкил этди;



- 3495,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 93,2 фоизи) (қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2314 тани ташкил этди);



- автомобиль транспорти юк айланмасининг 0,1 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 89,8 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 0,6 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 96,0 фоизи) фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 902 тани ташкил этди);




- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 90,0 фоизи ёки 5947,3 млрд. сўми, хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 51,4 фоизи ёки 3347,4 млрд. сўми, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 5813 та




- 78,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 21,7 фоизи) 125,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 71,1 фоизи) (ҳисобот даврида 247 та кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт ҳамда 772 таси томонидан импорт операциялари амалга оширилди).

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари
маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши




	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	10 056,7	96,3
Саноат	3 382,1	23,9
Қурилиш	3 495,1	92,3
Чакана савдо	5 947,3	90,0
Юк ташиш, млн.тн.	27,0	86,5
Йўловчи ташиш, млн.киши	119,7	94,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	78,8	21,7
Импорт, млн. АҚШ долл.	125,3	71,1

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик
тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**




2020 йил январь-декабрь ойларида 18923 та кичик корхона ва микрофирмалар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (15050 та) 125,7 фоизни ташкил этди.




Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо тармоғида барча рўйхатдан ўтганларнинг савдо (30,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги (15,8 %), саноат (15,8 %), қурилиш (12,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (7,0 %) ҳамда ташиш ва сақлаш (4,8 %) ва ахборот ва алоқа (1,8 %) иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши
(деҳқон ва фермер хўжалиқларисиз, жамига нисбатан фоиз ҳисобида)




Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони
(ҳар 1 000 аҳолига, бирликда) 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига



**Шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик
(бизнес) субъектларининг сони (ҳар 1 000 аҳолига, бирликда)
2021 йилнинг 1 январь ҳолатига энг кўп кўрсаткич**

2021 йилнинг 1-январь ҳолатига




2021 йилнинг 1 январь ҳолатига кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига шаҳар ва туманлар бўйича энг кўп кўрсаткич Нукус туманида 24,4 бирлик, Қонликўл туманида 18,7 бирлик, Бўзатов туманида 18,4 бирлик, Мўйноқ туманида 18,3 бирлик, Қораўзак туманида 18,2 бирлик, Нукус шаҳрида 16,6 бирлик, Тўрткўл туманида 16,1 бирлик, Тахтақўпир туманида 15,0 бирлик, Шуманай туманида 14,3 бирлик, Элликқалъа туманида 12,7 бирлик, Беруний туманида 12,0 бирлик, Кегейли туманида 12,0 бирлик, Чимбой туманида 10,7 бирликни ташкил этган.


Тахиатош туманида эса ушбу кўрсаткич энг паст бўлиб 8,9 бирликка тўғри келди.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми

Шаҳар ва туманлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Нукус шаҳри (799,9 млрд. сўм), Элликқалъа (328,5 млрд. сўм), Беруний (300,0 млрд. сўм), Тўрткўл (295,3 млрд. сўм), Тахиатош (225,1 млрд. сўм), Амударё (204,3 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади. Қонликўл (48,3 млрд. сўм), Бўзатов туманларида (21,0 млрд. сўм) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.




2020 йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръатлари



Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан чакана товар айланмаси ҳажмида Нукус шаҳри (1634,4 млрд. сўм), Хўжайли (654,9 млрд. сўм) ва Тўрткўл (576,2 млрд. сўм) туманлари етакчилик қилмоқда.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да хизмат кўрсатиш ҳажми ва ўсиш суръатлари




2020 йилнинг январь-декабрь ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши 56,2 фоизни ташкил қилиб, 2019 йилнинг мос даврига (54,7) нисбатан 1,5 фоизга кўпайди.

Саноат ишлаб чиқариш соҳасининг юқори улуши Шуманай (жами ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши (100,0 %), Элликқалъа улуши (99,8 %), Мўйноқ улуши (99,2 %), Беруний (83,2 %) туманларига ва энг паст улуши Нукус шаҳри (10,2 %) тўғри келади.

Хизматлар соҳасида туман бўйича жами хизмат кўрсатиш ҳажмида кичик тадбиркорликнинг юқори улушлари Тахтакўпир (жами хизматлар ҳажмига нисбатан улуши 82,9 %), Қораўзак (80,6 %), Мўйноқ (79,7 %), Кегейли (77,1 %), Шуманай (75,5 %), Қонликўл (74,7 %) ва Амударё (74,1 %) туманларига тўғри келди.


**2020 йилнинг IV чорак учун иқтисодий вазиятни баҳолаш,
фоиз ҳисобида**



Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига асосан 2020 йил IV чорак якунларига кўра иқтисодий фаолият турлари бўйича янгидан ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, бўйича респондентларнинг 32,3 фоизи иқтисодий вазиятини қулай, 35,5 фоизи қониқарли ва 32,3 фоизи қониқарсиз деб баҳолаши кузатилди.

Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда
баҳоланиши



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳоланаётганлигини ҳулоса қилиш мумкин.